

Сахибов Ойбек Куйлиевич,

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

"Таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқиши ташкил этиш" бўлими
бошлиғи

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК: 336.64

САХИБОВ О.К. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларини молиявий ресурслари шаклланиши, қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топишнинг меъёрий-хуқуқий асослари ва улардан фойдаланиш йўналишлари ёритиб берилган. Шу билан бирга, профессионал таълим муассасаларининг молиявий имкониятлари оширишдаги муаммолар, уларни бартараф этиш ва келгусида юзага келишини олдини олишга қаратилган таклифлар қайд этилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим тизими, молиявий таъминот, молиявий ресурслар, бюджетдан ташқари маблағлар, пуллик хизмат кўрсатиш, қисқа муддатли курслар, таълим хизматлари, тўлов қобилият, ўқитиш харажатлари.

САХИБОВ О.К. НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

В данной статье освещаются элементы формирования финансовых ресурсов профессиональных образовательных учреждений, нормативно-правовая база развития дополнительных финансовых ресурсов, а также возможности их использования. В то же время были внесены предложения по решению проблем в повышении финансовых возможностей профессиональных образовательных учреждений, их устраниению и предотвращению их возникновения в будущем.

Ключевые слова: система профессионального образования, финансовое обеспечение, финансовые ресурсы, внебюджетные фонды, платные услуги, краткосрочные курсы, образовательные услуги, платежеспособность, стоимость обучения.

SAXIBOV O.K. DIRECTIONS TO INCREASE THE FINANCIAL POSSIBILITIES OF PROFESSIONAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

In the article is discussed the elements of the financial resources formation in the professional educational institutions, the regulatory framework for the additional financial resources development, as well the direction of their use. At the same time, proposals were made to solve problems in increasing the financial capabilities of professional educational institutions, eliminate the problems and prevent their appearance in the future.

Key word: The system of vocational education, financial support, financial resources, extra-budgetary funds, paid services, short-term courses, educational services, solvency, tuition fees.

Кириш.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёшларни жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-хунар эгаллашлари, кадрлар тайёрлашни илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишдаги ислоҳотлар бугун ҳам изчил, шиддатли давр тала-бига ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда¹.

Таълим соҳасида ислоҳотлар самарадорлигини ошириш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг кун тартибида турган асосий вазифалардан бирига айланди. Таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда². Соҳа ривожига қаратилган шу каби эътибор таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, педагогик кадрлар таркибини яхшилашга хизмат қиласди.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон Фармонига мувофиқ бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизими тармоғи ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "... Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади. Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқиласди. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради"³, деб таъкидланган.

¹ Muminov, N., Hoshimov, P., Kim, T., Zahirova, G., & Rakhmatov, K. (2020). Restructuring the system of higher education of Uzbekistan in the conditions of increasing the competitiveness of the economy. American Journal of Economics and Business Management, 3(1), 32-40. <https://doi.org/https://doi.org/10.31150/ajebm.v3i1.112>

² Muminov N.G., Umidakhon R. INTERNATIONALIZATION OF HIGHER EDUCATION AS A FACTOR IN IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY. Проблемы и пути трансформации национальных экономик: новые вызовы инвестиционно-инновационного прорыва. Тезисы докладов республиканской научно-практической электронной конференции. Ташкент, 2019. С. 97-100.

³ <https://president.uz/uz/lists/view/3324> (24.01.2020)

Профессионал таълим муассасалари даромадлар ва харажатларини таҳлил қилиниши, уларнинг молиявий имкониятларини ошириши, қўшимча маблағларни ишлаб топишни тадқиқ қилиниши ҳамда ўрганиб борилиши мазкур масаланинг долзарблигини янада оширади.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ касб-хунар мактабларининг барча харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, колледж ва техникумларнинг харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошقا манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Касб-хунар мактаби, колледж ва техникумлари молиявий имкониятларини ошириш мақсадида бюджетдан ташқари пул маблағларини ишлаб топиши, бу таълим муассасаларининг таълим сифатини оширишда қўшимча имкониятларни вужудга келтиради.

Умумий ҳисобда "Таълим тизимининг иқтисодий муаммолари таълимни ижтиомий капитал манбаи деб ҳисоблаган иқтисодиёт класиклари А. Смит, Ф. Лист, А. Marshall ва ўқитиш орқали олинган билим, кўникма ва қобилиятларни миллий бойлиknинг бир қисми деб ҳисоблаган"⁴.

Юқорида келтирилган илмий ёндашувларга асосланган ҳолда, профессионал таълим муассасаларининг молиявий ресурслари шаклланниши, қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топишнинг меъёрий-хуқуқий асослари ва улардан фойдаланиш йўналишларини миллий бойлиkn кўпайтириш мақсадида тадқиқ этилиши лозим. Шу билан бирга, профессионал таълим муассасаларининг молиявий имкониятлари оширишдаги муаммолар, уларни бартараф этиш ва келгусида юзага келишини олдини олишга қаратилган ёндашувлар борасиди илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади - профессионал таълим муассасалари даромадларини шакллантириш манбалари ва харажатлари таркибини таҳлил қилиш ҳамда ўрганишдан иборат. Шу билан бирга, ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра таълим муассасалари томонидан молиявий

⁴ Фонова О. "Развитие механизма финансирования профессионального образования" афтореферат, Нижний Новгород 2011г.

имкониятларини кенгайтириш, бунда бюджетдан ташқари қўшимча пул ишлаб топиш бўйича хулоса ва таклифлар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқот методлари. Ушбу мақолада профессионал таълим муассасалари даромадларини ошириш масалалари тизимли, ва меъёрий-хуқуқий асослари бўйича ўрганилди, ва таҳлил қилиниб, уларнинг даромадлари таркибини тадқиқ қилиш ва қиёслашда жадваллар ва диаграммалардан фойдаланилди.

Таҳлил ва асосий натижалар. 2019 йилда касб-хунар таълимни тизимида ислохотлар амалга оширилиб, янги профессионал таълим тизими ташкил қилингунга қадар ўрта бўғин кадрлари касб-хунар коллекларида тайёрланган.

Касб-хунар коллекларини сақлаш, бошқарув ҳамда кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлари тўлиқлигича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган. Жумладан, 2017 йилда 3,2 триллион сўм, 2018 йилда 3,1 триллион сўм, 2019 йилда 2,3 триллион сўм маблағ ажратилган¹.

Қўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармонга мувофиқ, янги ташкил этилган профессионал таълим муассасаларига, ўрта бўғин кадрларни тайёрлашда, қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш мажбуриятини юкланди.

Касб-хунар мактаби, коллек ва техникумларнинг молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш, ҳамда даромадлар ва харажатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, шу билан бирга қўшимча даромадларни шакллантириш, ҳамда молиявий имкониятларини тўғри белгилаш орқали таълим сифатини янада рағбатлантириш имконияти кенгаймоқда.

Касб-хунар мактабларининг молиявий манбалари қўйидагилардан иборат:

- давлат бюджетидан ажратмалар;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланишдан, жумладан: таълим хизматлари кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, экспертиза қилиш, ноширлик ишлари ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турларини ўйлга қўйиш орқали олган даромадлар;
- ҳалқаро молия институтларининг грант маблағлари.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, касб-хунар мактабларининг бошланғич профессионал таъ-

¹ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

лим даражасидаги ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлари тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Коллек ва техникумларнинг молиявий манбалари қўйидагилардан иборат:

- давлат бюджетидан ажратмалар;
- тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;
- тўлов-контракт маблағлари;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланишдан, жумладан: таълим хизматлари кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, экспертиза қилиш, ноширлик ишлари ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турларини ўйлга қўйиш орқали олган даромадлар;
- ҳалқаро молия институтларининг грант маблағлари.

Шу билан бирга, техникумлар олий таълим муассасалари хузурида фаолият кўрсатиши муносабати билан уларни қўллаб қувватлаш мақсадида тегишли олий таълим муассасалари техникумларни моддий ва молиявий таъминлашда иштирок этишлари ҳамда молиявий ёрдам кўрсатишлари белгиланган².

Профессионал таълим муассасалари бюджетдан ташқари ишлаб топиши мумкин бўлган молиявий маблағларининг қўйидаги йўналишларини қайд этиб ўтамиш.

● профессионал таълим муассасаларининг молиявий таъминотини ошириш мақсадида қонун хужжатларига зид бўлмаган таълим хизматлари кўрсатилиши, тадбиркорлик фаолиятини, маслаҳатлар бериш тизимини, экспертиза қилишни, ноширлик ишларини ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турларини ўйлга қўйиш;

● профессионал таълим муассасаси томонидан тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирадиган фаолиятдан олинган бюджетдан ташқари маблағлар, белгиланган тартибда ишлатилиши, ҳамда мазкур маблағлар билан операциялар белгиланган тартибда даромад келтирадиган фаолиятни амалга ошириш учун даромадлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, коллек ва техникумларда ўқувчиларнинг касбий ва тадбиркорлик

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 466-сон қарори.

1-жадвал. Колледжлар ва техникумларда кундузги, кечки, сиртқи ва дуал таълим шакли бўйича тайёрлов йўналишлари кесимида тўлов-контракт асосида бир ўқувчини бир йиллик ўқитиш қиймати миқдорлари¹

T/p	Таълим йўналишлари номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори баробарида
1.	Соғлиқни сақлаш, Педагогика, Бизнес ва бошқарув, Санъат, Ижтимоий таъминот, Хизмат кўрсатиш, Журналистика ва ижтимоий ахборот	5,7
2.	Табиий фанлар, Транспорт, Муҳандислик иши, Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари, Компьютер технологиялари ва информатика, Гуманитар фанлар (<i>телевидение йўналиши</i>)	5,5
3.	Қишлоқ хўжалиги ирригация ва мелиорацияси, Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, Ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари, Архитектура ва қурилиш, Ҳаётий фаолият хавфсизлиги, Қишлоқ хўжалик техникаси, Ветеринария, Атроф-муҳит муҳофазаси	5,3

кўнималарини ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш мақсадида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича турли соҳалар билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғуланиш имконияти берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълимтарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармонига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизимини жорий этиш, ҳамда дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган муддатли меҳнат шартномасига мувофиқ иш ҳақи тўланиши белгиланган.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, колледж ва техникумларда касб ва мутахассисликлар бўйича, ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурлари асосида, маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжлари, ўқувчиларнинг қизиқишилари, ҳамда иш берувчиларнинг буюртмаларидан келиб чиқиб, кундузги таълим билан бирга сиртқи, кечки ва дуал таълим шаклларида ўқувчилар қабул қилиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан коронавирус пандемияси сабабли Республика аҳолисининг тўлов қобилияти пасай-

ганлигини инобатга олиб 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб колледж ва техникумларда кундузги, кечки, сиртқи ва дуал таълим шакли бўйича тайёрлов йўналишлари кесимида тўлов-контракт асосида бир ўқувчини ўқитиш қиймати миқдорлари қайта белгиланди (1-жадвал).

Ушбу жадвалдан шуни кўриш мумкинки, асан талаб юқори бўлган соҳалар, яъни Соғлиқни сақлаш, Педагогика, Бизнес ва бошқарув, Санъат, Ижтимоий таъминот каби соҳаларда тўлов-контракт миқдори юқорироқ белгиланган.

Мазкур йўналишларда ҳозирги кундаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 822,0 минг сўмлигидан келиб чиқиб, 1 (бир) нафар ўқувчининг бир йилги ўқитиш харажатлари 4 685,4 минг сўмни ташкил қиласди.


Республика миқёсида 370 тадан ортиқ колледж ва техникумлар мавжуд бўлса, барча колледж ва техникумларда таълимнинг дуал, сиртқи ва кечки шакллари бўйича 2021/2022 ўқув йилида 25 371 нафар ўқувчиларнинг (1-диаграмма) қабул қилиниши ўртacha ҳисоблаганда таълим муассасаларига 114,7 миллиард сўм қўшимча тўлов-контрактдан тушган молиявий маблағларга эга бўлиш имконияти вужудга келган².

Таҳлил маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, мазкур таълим шаклларида бошқа ҳудудларга қараганда Самарқанд вилоятидаги колледж ва техникумларда сиртқи, кечки ва дуал таълим шакллари бўйича 3 442 нафар ўқувчилар қабул қилинган, бу эса вилоятдаги таълим муас-

¹ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

² Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

1-диаграмма. 2021/2022 ўқув йилида колледж ва техникумларда дуал, сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқишига қабул қилинган ўқувчилар сони.



сасаларида тўлов-контракт ҳисобида 15,5 миллиард сўм маблағ шакллантирган¹.

Бу ҳудудда бошқа вилоятларга нисбатан колледж ва техникумларда ўқиш истагини билдиригларнинг сонини кўплиги, республикамиз ҳудудларидан энг кўп аҳоли (4 031,0 минг нафар) Самарқанд вилоятида истиқомат қилиши ҳамда ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари асосида маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳамда иш берувчилар буюртмаларининг юқорилигидан далолат беради².

Республикадаги колледж ва техникумларда сиртқи, кечки ва дуал таълим шаклларида ўқувчилар сони энг кам бўлган (979 нафар) Сирдарё вилоятида, бевосита маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳамда иш берувчиларнинг буюртмалари билан бирга ҳудуддаги аҳоли сонига (878,0 минг нафар) мутаносиб равишда боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаларида таълим шакллари бўйича тўлов-контракт асосида тайёрланадиган кадрлар сонини кўпайиши, таълим муассасаларининг молиявий имкониятларини оширишига хизмат қиласди. Меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида

¹ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди (<https://stat.uz>)

кадрларни ишдан ажралмаган ҳолда ўқитиш натижасида таълим олувчилар сони ортиб боради.

Адлия вазирлигидан ўтган "Академик лицей, касб-хунар мактаби, колледж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор³га мувофиқ касб-хунар мактаблари, колледж ва техникумларда молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринbosари жорий этилган.

Касб-хунар мактаблари, колледж ва техникумлардаги молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринbosarlari томонидан қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топиш мақсадида, таълим муассасасида ҳудудлардаги эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ўз самарасини беради.

Ушбу директор ўринbosарининг профессионал таълим муассасасини молиялаштириш йўналиши бўйича асосий вазифалари сифатида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

— таълим муассасасида асосий фаолият билан боғлиқ бўлган ўқув жараёнини амалга оширишда давлат бюджетидан ажратиладиган

³ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 ноябрда 3119-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Академик лицей, касб-хунар мактаби, колледж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор.

маблағларни қатъий белгиланган йўналишларда ишлатилишини таъминлаш;

- таълим хизмати кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича йиллик режани ишлаб чиқиш ва унинг сифатли бажарилишини таъминлаш;

- таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда маблағ билан таъминлашнинг муқобил манбаларини, шу жумладан, ташкилотлар, ҳомийлар маблағларини, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- харажатлар сметасидаги IV гурӯҳ харажатларини тузилган шартномалар, ва ажратилган лимитлар асосида тўланишини ташкил этиш ҳамда, барча моддий ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, ва таълим муассасалари бошқа молиявий маблағларини кенгайтириш борасида ишларни амалга ошириш.

Таълим муассасалари қўшимча ишлаб топган молиявий маблағларини таълим сифатини ошириш мақсадида, кўпич билан 25 фоиз миқдоригача ташкилот ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириши, ва камида 75 фоиз миқдорида моддий-техника базани мустаҳкамлашга, яъни янги замонавий техника ва технологиялар, ўқув лаборатория жиҳозлари, замонавий компьютер техникаларини сотиб олишга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4804-сон қарорига мувофиқ меҳнат бозорининг самарали механизmlарини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-хунар ва тадбиркорлик кўнималарига ўқитишни жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган¹.

Бу эса ўз навбатида, профессионал таълим муассасаларига қўшимча имкониятларни, ўқувчилар қамровини ошириш, асосий фаолиятдан ташқари иқтисодиёт тармоқлари талаблари ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида касбларни ўқитиш ва квалификациялар бериш

мақсадида қисқа муддатли ўқув курсларни ташкил этиш орқали фуқаролар, иш берувчилар ҳамда буюртмачилардан қўшимча молиявий маблағлар жалб қилинади.

Хулоса ва таклифлар. Профессионал таълим муассасалари қўшимча молиявий маблағлар топиш мақсадида таълим хизматларини кўрсатиш, яъни ёшларни ва ишсиз фуқароларни меҳнат бозорида зарур бўлган ишчи касбларга қисқа муддатли курсларда ўқитиш орқали ўз даромадларини ошириб боради.

Шу билан бирга, янги ташкил қилинган профессионал таълим тизимини молиявий имкониятларини оширишда ечимини топмаган бир қанча муаммолари мавжуд. Жумладан:

- коллеж ва техникум иқтисодиёт тармоқларига ўрта бўғин кадрларини тайёрлаб берадиган таълим муассаса ҳисоблансада, ҳозирги кунда фақат таълим муассасасини сақлаш ва бошқарув харажатларига давлат бюджетидан молиявий маблағ ажратилиши;

- коллеж ва техникумларни молиялаштириш ҳамда давлат бюджетидан қўллаб қувватлаш аниқ тизимга солинмаганлиги;

- таълим муассасаларининг асосий молиявий маблағларидан бири ҳисобланган тўлов-контракт миқдорини белгилашда аҳолининг тўлов қобилиятини ҳисобга олинмаганлиги, бунинг натижасида ўқиш истагини билдирган фуқаролар камайиб бориши;

- тўлов-контрактлар асосан ўқувчиларни ўқитиш харажатларини қоплашга йўналтирилиши;

- пандемияни олдини олиш мақсадида, карантин чораларини қўлланиши ҳисобига хорижий фуқароларни келиши чекланганлиги ҳамда уларни ўқиш имкониятлари камайганлиги таълим муассасаларининг молиявий имкониятларини оширишга тўсунлик қиласи.

Профессионал таълим муассасаларидағи молиявий муаммоларни ечишда таълимни бошқаришнинг ваколатли органлари Молия вазирлиги билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилиш муҳим саналади.

Шу билан бирга, профессионал таълим муассасалари молиявий имкониятларини оширишда мавжуд муаммолар ва халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда қўйидаги чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

- коллеж ва техникумларга қабул қилинадиган ўқувчилар сонини кўпайтириш орқали улардан тушадиган тўлов-контракт иқтисод ва молия / экономика и финансы 2022, 2(150)

¹ <https://lex.uz/docs/4945748>

маблағлари ҳисобига таълим муассасасининг молиявий имкониятларини мустаҳкамлаш;

– иқтисодиёт тармоқлари талаблари ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида профессионал таълим муассасаларида ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда давлат бюджетидан молиялаштиришни йўлга қўйиш, бунинг натижасида тўлов-контрактдан тушган маблағлар таълим сифатини оширишга йўналтирилиши;

– техникумлар ва коллежлар фаолиятини тўлақонли таъминлаш мақсадида бошқа зарур бўлган бирламчи харажатлари учун маблағларнинг етишмайдиган қисмини таълим муассасаларининг хусусиятидан ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида қопланиши;

– колледж ва техникумларда давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш ҳажмини ошириш ҳисобидан, касб ва мутахассисликлар бўйича тўлов-контракт миқдорларини камайтириш;

– дуал таълимга асосланган ўрта бўғин кадрлар тайёрлашни ошириш ҳамда бунда бевосита иш берувчиларни салмоғини ошириш борасида дуал таълим ташкил қўлган корхона ва ташкилотларга субсидиялар ажратиш;

– педагогик кадрларни салоҳиятини ошириш мақсадида хорижий малака ошириш курсларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш ўз самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда кадрларга қўйиладиган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса, касбий қўнималарга эга бўлган меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган малакали кадрларни тайёрлашни тақозо этади. Профессионал таълим муассасалари молиявий манбаларидан ташқари қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топиши таълим сифатини оширишга ҳамда малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қиласди.

Шу билан бирга, коллежлар ва техникумлар янги ташкил этилганлигини инобатга олиб, уларнинг фаолиятини тўлақонли таъминлаш мақсадида бошқа зарур бўлган бирламчи харажатлари учун маблағларнинг етишмайдиган қисмини таълим муассасаларининг хусусиятидан ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида қоплаш, ушбу таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришга ҳамда меҳнат бозорида малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6108-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касбхунарга ўқитишига қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4804-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 466-сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 ноябрда 3119-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлигининг "Академик

лицей, касб-хунар мактаби, колледж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат қўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

9. Muminov, N., Hoshimov, P., Kim, T., Zahirova, G., & Rakhmatov, K. (2020). Restructuring the system of higher education of Uzbekistan in the conditions of increasing the competitiveness of the economy. American Journal of Economics and Business Management, 3(1), 32-40. <https://doi.org/https://doi.org/10.31150/ajebm.v3i1.112>

10. Muminov N.G., Umidakhon R. INTERNATIONALIZATION OF HIGHER EDUCATION AS A FACTOR IN IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY. Проблемы и пути трансформации национальных экономик: новые вызовы инвестиционно-инновационного прорыва. Тезисы докладов республиканской научно-практической электронной конференции. Ташкент, 2019. С. 97-100.

11. Фонова О. "Развитие механизма финансирования профессионального образования" автореферат, Нижний Новгород 2011г.

12. <https://president.uz>

13. <https://edu.uz>

14. <https://stat.uz>

15. <https://lex.uz>